

OILA DAVTRASIDA

№ 26 (372)
2019 - yil
27 - iyun
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

«Бир қошиқ қонимдан кечинг,

РОСТИНИ АЙТАМАН...»

4-5-бетлар



Собиқ Бош
прокурорга
ҲУКМ УЎҚИЛДИ

2-бет

МАНГУЛИК
қаердан
бошланади?

2-бет



Онага
СЕВГИ ИЗҲОРИ

3-бет

**ЎҚИТУВЧИ
МАОШИ**
25 фоизга ошади.

6-бет

ТЎХТАШ
ҳуқуқи берилди.

6-бет



ҚАБРГА
ўзи кирди.

7-бет

ИКТИБОС

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

«Ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси халқ ҳаётида Шахс – Оила – Жамият – Давлат деган тушунча ва қадриятлар ҳал қилувчи ўрин тутади. Жамиятнинг бирламчи ва асосий бўғини бўлган оилани эса муҳтарам аёл сиймосисиз асло тасаввур этиб бўлмайди.

Халқимиз азалдан муқаддас Она зотиға, хотин-қизларга доимо юксак эҳтиром кўрсатиб келади. Аёлга бўлган ҳурмат-этибор – бу аввало оилага, жамият келажагига бўлган ҳурмат-этибор ифодасидир».

(Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялти мажлисидаги нутқидан)

Бунёдкорлик

340 та массивда
13 мингта уй-жой қурилади

Мамлакатимиздаги 1 минг 200 та шаҳар ва шаҳар типидagi посёлканинг атиги 226 тасида бош режалар ишлаб чиқилган. Шу тўғрисида кейинги йилларда мамлакатимизда турар жойлар, ижтимоий-маиший объектлар қурилишини ривожлантириш, аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантирувчи шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида бу борада атрофлича маълумот берилди. 2018 йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида 159 та тумандаги 416 та қишлоқда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жорий йилда ҳам қурилиши белгиланган 340 та массивда 13 мингта уй-жой жойлаштирилади.

– Жойларда аҳоли, айрим ташкилотлар томонидан ўзбошимчилик билан бино-иншоотлар қуриш ҳолатларини бартараф этиш максалида шаҳарсозликка оид ҳужжатларни янада такомиллаштирмоқдамиз, – деди Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири ўринбосари Шухратхўжа Ҳошимов. – Натижада ҳудудлардаги шаҳар ва қишлоқларда бунёдкорлик ишлари режа асосида амалга оширилади. Қурилаётган ҳар қандай янги иморатга қўйилаётган талаб мукамал бўлиши керак.

Огоҳлик

1 тоннадан зиёд «заҳри қотил» йўқ қилинди

26 июнь — Халқаро наркотик моддаларга қарши кураш куни муносабати билан ҳамда гиёҳвандликка қарши курашиш ойлари доирасида ўтказилган тадбирда 1 тонна 27 килограмм 911 грамм гиёҳвандлик воситалари ёқиб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори Олим Нарзуллаевнинг қайд этишича, наркотик воситалар контрабандаси ва ноқонуний савдосига қарши курашиш халқаро аҳамиятга молик масала ҳисобланади. Мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга ошириллаёттир.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, 2018 йилда Афғонистонда кўкнор етиштирилдиган майдонлар 263 минг гектарни, ишлаб чиқарилган опий миқдори – 6 минг 400 тоннани ташкил этган.


Хукук-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 2018 йилда 4 минг 779 наркожиноят фош этилган. Улардан ярмини наркотик моддаларни ўтказиш-сотиш ташкил қилган бўлса, қолганлари контрабанда, гиёҳвандлик ўсимликларини етиштириш, бангхоналар ташкил этиш ва бошқа турдаги жиноятлардир.

Телекоммуникация

Муносабатлар ўзгармоқда

Фойдаланувчиларнинг «Ўзбектелекомга» муносабат кескин ўзгармоқда. Бу ҳақда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказган брифингга хабар берди.

Brand Analytics компаниясининг тадқиқотларига кўра, ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари салбий ва ижобий баҳоларининг нисбати 2018 йил декабрдан 28 фоиз (ижобий)дан, 2019 йил майгача 90 фоиз (ижобий)гача ўзгарган.



Абдусайд КҮЧИМОВ

САМИМИЯТ

Мангулик қаердан бошлангай, десанг,
Жавобим ушбодир: яхши ниятдан.
Яхши ниятларнинг илдизи эса
Самимиятдандир, самимиятдан.
Асрор туйғуларнинг қайнар булоғи,
Афиф орзуларнинг кўзу қоши у.
Анбар ҳаёлларнинг оташи чакмоғи,
Афсар мартабалар тамал тоши у.
Адам саҳросида гуллар йўлулар,
Алло, қароива кўм тўлган кўздай,
Пайдо бўлганидай доғ-дуглар ойда;
Садоқат – ногаҳон учган юлдуздай,
Ўчгай, самимият йўқолган жойда;
Бозордан кўрк қочар, қилган бирака,
Меҳру оқибатнинг кўчаси вайрон.
Дўстлар алмазада – йиртгудек ёқа,
Зимдан бир-бирига ўқталар камон.
Ошиқ юракларга ўрмалар илон,
Садоқат шеваси қорилгай лойга.
Оталар болача боқар серғумон,
Болалар отадан излайди фойда.
Бадбўй алафлардек зурлар ёлгонлар,
Алдов дарёлари кўпириб, тошар.
Ғажирдай дов урар нуру шайтонлар,
Ғийбатга кўмилгай қишлоғу шаҳар.
Йионч кўриқларин оқизгай селлар,
Гумон қилич қайрар кўнгил мулкида.
Агёр афсунларга айланар еллар,
Кайвонийлик эса қолгай тулкига.
Баски, яшай десанг бекам, бехатар,
Бадном қил, бадлаҳжа, бадбўй ниятни.
Самимият билан гулласин башар,
Қўёшдек ардоқла самимиятни.

23.06.2019 йил.

Жиноят ва жазо

СОБИҚ БОШ ПРОКУРОРГА СУД ҲУКМИ ЎҚИЛДИ

Жиноий гуруҳ бир қатор оғир ва ўта оғир жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилди

«2019 йил 26 июнь кунин, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди, Юнусобод тумани судининг биносиди, Ўзбекистон Республикасининг собиқ Бош прокурори Р.Қадиров ва бошқаларга оид (жами 13 нафар шахс) жиноят иши бўйича айблов ҳукми эълон қилинди, дейилади Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотида.



Суднинг ҳукми билан, 2000-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори лавозимида фаолият кўрсатиб келган Р.Қадиров, шу даврларда прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда катта лавозимларида ишлаган М.Мирзаев, Ж.Файзиев, У.Суннатов, Р.Пулатов, А.Муса-шайхов, У.Хуррамов, Ю.Гаипов, А.Мирзаев, М.Мирзаева, фуқаролар С.Қосимов, А.Икрамов ва Х.Аҳмеджанов билан ўзaro жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб пора олиш (Жиноят кодекси 210-моддаси 3-қисмининг «а» банди), пора беришга далolat қилиш (ЖК 28, 211-моддаси 3-қисмининг «а» банди), фарибгарлик (ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди), солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЖК 184-моддасининг 3-қисми), тергов қилишга ва суд ишларини ҳал этишга аралаштиш (ЖК 236-моддасининг 2-қисми), жиноий фаолиятдан олинган

даромадларни легаллаштириш (ЖКнинг 243-моддаси) каби, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши бир қатор оғир ва ўта оғир жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилди.

Қарийб олти ой давом этган, Ўзбекистон Республикаси ЖПК (жиноят-процессуал кодекс)нинг 19-моддаси, шунингдек «Давлат сирлари тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ, ёпиқ тарзда ўтказилган суд тергов ишларида барча судланувчиларнинг кўрсатувлари бирма-бир атрофлича текширилди, икки юзга яқин гувоҳларнинг кўрсатувлари тингланиб, иш бўйича ўтказилган экспертиза ва хизмат текширувлари ҳулосалари, шунингдек жиноят ишида тўпланган далиллар, уларнинг қонунийлиги ва асослилиги нуктаи назаридан тафтиш қилинди.

Суднинг ҳукми билан айбли деб топилган жиноятлари учун

Р.Қадировга, ЖК 50-моддасининг 6-қисми тартибиди 10 йил озодликдан маҳрум қилиш ва энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдориди жарима жазоси тайинланди. Шунингдек, У.Суннатов 19 йилга, А.Мирзаев 15 йилга, У.Хуррамов 14 йилга, Ж.Файзиев 13 йилга, Л.Мусашияхов 13 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Қолган судланувчиларга ҳам қилган қилмишларига яраша қонун доирасида жазолар тайинланиб, уларнинг барчаси кўшимча жазо тарикасида муайян муддатга мансабдорлик билан моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Бундан ташқари, суд оғир ва ўта оғир жиноятлар учун судланган Р.Қадиров, М.Мирзаев, А.Мирзаев, Ж.Файзиев, У.Суннатов, Р.Пулатов, У.Хуррамов, Ю.Гаиповни (ЖКнинг 52-моддаси) махсус унвон ва давлат муқофотларидан маҳрум қилиш ҳақида тақдим-

нома киритишга қарор қилди.


Судланганлар айбли деб топилган жиноятлари оқибатида етказилган моддий зарарлар, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида топширилган пул ва хатланган мол-мулклар ҳисобидан қопланиши белгиланди.

Шунингдек, суд томонидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 298-моддасига асосан, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш масаласида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига хусусий ажрим чиқарилди.

Суд ҳукми эълон қилинган, раислик этувчи суд процесси иштирокчиларига ҳукмнинг мазмун-моҳиятини батафсил изоҳлаб бериб, шикоят қилиш муддатлари ва тартибини тушунтирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот хизмати

Онаизоримизга
инглизча
муҳаббат
изҳори эмас,
ўзбекона меҳр
керак!



« I LOVE... »

Бу ҳақда анчадан буён ёзмакчи бўлиб юрардим. Бир неча бор кўлимга қалам олган ва компьютер каршисига ўтириб, ёзишга киришган пайтларим ҳам бўлган.

Аммо юртимизда кечаётган оламшумул жараёнлар, мадх этишга арзигулик ютуқлар ва ҳали бу қувончларга соя ташлаб турган муаммолар олдида ёздагидан «майда гап»дек туюлиб, охирига етказмаган эдим. «Рост-да, шахарларимизнинг у ер-бу ерида бир-иккита шундай ёзув турса турибди-да, осмон узалиб ерга тушармиди? Ёки ватанпарварликка ундовчи бу безаклар сенга ҳалакат берайтими?», деган ўй билан ўзимни инжикликка йўлган эдим. Лекин ҳар сафар жуда ҳафсала билан ишланган ва ўрнатилган, кундузи куёш нурида жилланиб, тунда чирокларга ёғдуси билан эътиборингни тортадиган шундай ёзувлар олдида ўтсам томоғимга нимадир тикилгандай бўлаверади. Ниҳоят, ёзмасам бўлмаслигини тушундим. Албатта, булар менинг шахсий фикрларим. Мабодо, нотўғри ўйлаётган бўлсам, мулоҳазаларим муҳокамага сабаб бўлса, шу баҳона ўзим ҳам билмаганларимни билди, тушунмаганларимни тушуниб оларман.

Бу нарсга сизнинг ҳам кўзингиз тушган, уни хоҳир пойтахтимиздан тортиб, барча вилоят ва туман марказлари, ҳатто айрим каттарок қишлоқларда ҳам учратиш мумкин. У «I love Uzbekistan», «I love Tashkent», «I love Namangan», «I love Khiva» каби ёзувлардир. Фақат ихчамликка интилибми ёки ҳис-туйғуларни бўрттириб кўрсатиш учунми «love» сўзининг ўрнида юрак рамзи қўйилган. Бир қарашда ҳеч бир ёмон ҳол йўқдек. «Мен сени севман, Ўзбекистон!» (Ундов белгисини ўзимиз қўйдик, инглизчасида у йўқ) дейилмоқда. Менимча, *(дунё кезган кишилар яхшироқ билдилар)* ҳеч бир мамлакатда ватанпарварликнинг бундай оташин изҳори учрамаса керак ёхуд бошқа халқлар ўз ватанларини бизчалик севмасиканлар-а?!

Биз эса она Ватанимизни шу қадар кучли севмадик, буни банд бинолар томию хиебонларга одам бўйи қимматбаҳо пластик шишалардан ясалган,

ичига турфа чироклар ўрнатилган, тунда ҳам назардан четда қолмайдиган ҳарфлар билан ёзиб қўймасак бўлмайди. Она Ватанимиз, яъни онаизоримизга нисбатан меҳр-муҳаббатимизни изҳор қилишига она тилимиз ожизлик қилиб, инглиз тилидан мадад сўраймиз: «Ай лав...». Она Ватанимизга куруққина қилиб, «love» дейишни ўзимизга эп кўрмай, «Битта жоним бўлса, сенга фидо», деган маънода, ишқилиб «love»нинг ўрнига юракнинг рамзини қўямиз. Яна камига, меҳр-муҳаббатимизга сиёсий тус бериб, юрак рамзининг ичига давлатимиз байроғини жой-

Юракнинг рамзини билмаган киши бўлмаса керак *(аслида, юракнинг шакли унақа эмаслигини ҳамма билади)*. Лекин ҳамма уни севги рамзи сифатида танийди. Бир вақтлар ёшлиғида қизларга «севги мактуби» битиб, охирида худди муҳр каби шу белгини – найза тешиб ўтган юрак рамзини қўймаган ўсмир йигит бўлмасе керак. Аммо бу рамзининг тарихи ва моҳияти билан ҳеч ким чуқур қизиқиб кўрмаган. Ушбуни ёзиш олдида ижтимоий тармоқлардан шу ҳақда маълумот кидириб кўрдим. Юракнинг рамзи тўғрисида Ўзбек тилида деярли ҳеч қандай маълумот йўқ экан *(бу ҳам*

мазмунан интим бўёкка эгаллиги билан танилган рамзга қориштираймиз? Қолаверса, Ватанимиз севги рамзини банд бинолар пештоқига, хиебонларга ёзиб қўз-қўз қилишимиз миннат эмасми?! Хўп, майли, агар шу зарур бўлса, нега уни инглиз тилида ёзишимиз, ажнабий тилда изҳор қилишимиз керак?! Қайси ўзбек онаизорига меҳр-муҳаббатини шу тариха изҳор қилади?

Юрак рамзининг ичига давлат байроғини жойлаштириб қўйиш нимаси?! Ахир, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунда байроғимиз қандай бичишга бўлиши, ундан қанон, қаерда, қандай мақсадларда, қанча бандликда, неча даража қияликда ўрнатиб фойдаланиш қондалари белгилаб қўйилган-ку?!

Бу нима, билмасликми ё писанд қилмасликми? Юқорида зикр этилганидек, бугун юртимизнинг қай туманию шахарига борманг, шундай безакларга кўзингиз тушади. Ана шу ёзувларни қимматбаҳо материаллардан тайёрлатишга сарфланаётган миллионлаб маблағни контракт пулини тўлолмагани учун ўқишдан ҳайдалиш арасида турган бир хайрилик ташаббуслари ёки кўпчиликка нафи тегадиган бирор хайрилик ишга сарфланса яхши эмасми? Асл ватанпарварлик ҳам шу аслида.

«Яна билмадим, бирова тухмад қилиш гуноҳ...», дейди «Шум бола» асари қахрамони Қоровой. Мен ҳам шундай, бу эътирозларим ноҳақдир, эҳтимол, яна билмадим. Икки йилча аввал, «Бизни афв этгайсиз, Навоий бобо!» сарлавхали мақоламизда шахар кўчалари ажнабий номлар, ёзувлар билан бежаллиб кетаётгани ҳақида мулоҳаза билдирган эдик, бирор парво ҳам қилмади. На ҳокимликлар, на маънавий тарғиботчилари ва на бошқа бирор мутасадди ташкилот...

Балки, «I love...» ҳам шундай изсиз кетар. Мен эса онажонимни жимгина севиб, меҳр-муҳаббатим охирини тўкмасдан яшайверман. Ўзбекчасига яхши кўраверман. Чунки, мен ўзбекман! Ватанимнинг инглизча «I love...»имга муҳтож эмас!

Ақромжон САТТОРОВ,
ЎЗА муҳбири

« Икки йилча аввал, «Бизни афв этгайсиз, Навоий бобо!» сарлавхали мақоламизда шахар кўчалари ажнабий номлар, ёзувлар билан бежаллиб кетаётгани ҳақида мулоҳаза билдирган эдик, бирор парво ҳам қилмади.

лаштирамиз. «Мана, кўриб қўйинглар хорижлик сайёҳлар, меҳмонлар, Ватанимиз севги рамзини биздан ўрганинглар!», дегандек. Ватанпарварлик бўлса, шунчалик бўлар-да! Қизик, нега шу пайтга қадар Ватанимизга муҳаббат изҳор қилишнинг бундай «халқаро» усули ҳаёлимизга келмади экан-а? Ёки илгари бу қадар севмасдик юртимизни?

Юқорида андак иштибоҳ қилганимиздек, кимларгадир бу «жар солиш»га арзимайдиган ҳолатдек туюлиши мумкин. Лекин биз қарийб ўттиз йилдан буён миллий маънавиятимиз қайғусида яшапмиз, «оммавий маданият»га қарши курашапмиз. Аммо инкор этишга йўқ, ҳали мактанари натажмага эриша олганимиз йўқ – «оммавий маданият» бизни ичдан ҳам, ташқаридан ҳам тобора ишғол этиб бораёпти. Сабаб? Сабаб шуки, биз «мулланинг айтганини қилу, қилганини қилма», деган беъмани ақидага амал қилаёпмиз. Буни орқа-олдида ажнабий ёзувлар, миллий маданиятимизга ёт суратлар муҳрланган футболқалар ишлаб чиқариб сотилаётгани, маҳсулотларнинг телерекламаларида ҳам кўриш мумкин.

Шундай талқинлар орасида кенг тарқалгани – юрак рамзига, айтиш ҳам ноқулай, аёллар қоматининг маълум қисми андоза қилиб олингани айтилади ёки яна бир кўпроқ учрайдиган талқин икки оккушнинг ўзаро бақамти тургани тўғрисидадир. Бундан ташқари, яна ўнлаб талқинлар борки, уларнинг бири аёл ва эркек ўртасидаги ошиқ-маъшуклик, «Валентин куни»нинг асосий белгиси эканини баён этади. Уларнинг бирортасида ота-онага, Ватанга нисбатан ҳис этиладиган бегубор туйғулар тилга олинмайди. Юрак рамзи – «оммавий маданият»ни зимдан тарғиб қилишнинг бир усули эмасмикан ишқилиб?

Хўш, биз нега муқаддас туйғуларимизни бутун дунёга

БАХТ

– Қара келинга нима қилди?

Тўсатдан Озода опа ўғлига қарата мурожаат қилди. Тўсатдан Нарғиза йиқилиб тушди. Тандирдаги нонларни узиб олаётган эди.

Раҳмонали югуриб бориб Нарғизани кўтариб уйга олиб кирди. Озода опа халлосланганча уларнинг ортидан уйга кирди.

– Шошма...

Кўрпача устидан яна бир кўрпача ташлади. Нарғиза ҳолсизгина нафас оларди. Озода опа шошмасдан, келинини кўрқитиб юбормаслик учун паст овозда сўради.

– Қизим... нима бўлди? Нонни ўзим ёпаман дегандим-ку.

Нарғиза секин бош чайқаб, кўзларини юмиб йиғлаб юборди.

– Бор, сен ташқарига чик.

Раҳмонали ташқарига чикди. Онаси ҳам изидан чиқиб сув иситишни айтди. Ноннинг қуйган иси чикди. Раҳмонали сув қўйиб, нонларни узиб олди. Битта нон чўкка тушиб қуйибди.

Онаси сувни сўради. Секин кичик тоғорача билан бирга эшик ортидан узатди. Нарғизанинг йиғлаган овози эшитилиб турар эди.

Раҳмонали кўнглида қандайдир ҳалик ва ҳавотир билан қолди. Бироздан сўнг Озода опа тоғорача устига мато ёпиб ташқарига чикди.

– Сен ичкарига кирма!

Онасига бирор савол билан ҳам мурожаат қила олмади. Озода опа ошхонага кириб, ўзи нималардир тайёрлаб келинига олиб кирди. Раҳмонали ич-этини еб битирди бу вақтда.

– Ўғлим бу дунёни яратган Ҳақ ўзи ҳар нарсани билгувчи. Ҳар доим сенга кераклигини қолдириб, сенга зарар етказувчисини олиб қўяди. Меҳрибонлиги шунда-да. Бор, келиннинг ёнига қир!

Раҳмонали гап нима ҳақида эканини батамом тушунди. Ичкарига тушқун қайфиятдан заррача асар қолмай кирди. Нарғиза тескари қараб йиғлаб турарди. Бирор пешонасидан ўлди.

– Нега йиғлайсан ахир. Мана, ман борман, сен борсан. Ҳаёт ўша-ўшаку, Нарғиз, – дея бориб ёнига ўтирди, қўлларини маҳкам ушлади. – Яхши ҳам борсан, азизам.

Нарғиза бироз ўзинга келгандек бўлди. Ҳаммаси жуда тез ўтиб кетди. Ҳеч ким эшитмади, билмади ҳам бола тушганини. Ҳайто чойхонадан қайтган қайнотаси бирор ўзгаришни сезмади.

Нарғизанинг эсига бир нарсаси тушди. Совчи борган қуни кўпчилик қарши бўлган эди. «Йигитнинг онаси роса ёмон аёл, эртага бошида тегирмон тоши юргизади» дейишган эди.

Нарғиза бугун бошига бир ажиб бахт қўнганини ҳис этди. Балки нонни қайнонам ўзим ёпаман деганида «йўқ, ойижон, ўзим ёпақолий» деб қўнглини оғритганмикиман, дея ўқиниб қўйди.

Нуриддин ЗИЁ

Карим
БАХРИЕВ:

«БИР ҚОШИҚ ҚОНИМДАН

Рост ва эркин сўзни етказишдаги жасорат ҳамда бу йўлни шарафли қисмат деб билиш жуда кам инсонга насиб қиладиган саодатдир. Шоир, таржимон, журналист ва ҳуқуқ ҳимоячиси каби бир неча соҳаларда чинакам фаолият юритиб келаётган Карим Бахриев худди ана шундай инсонлардан бири. 27 июнь – Оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан уюштирилган суҳбатимиз бугунги журналистика, газеталар тақдирини ҳақида бўлди.

— Журналистика соҳасига доир барча мақолаларингиз ва китобларингиз соҳани қадри ва қадрини кўтаришга қаратилган. Биз Сизни узок йиллар шу соҳада жонқуярлик қилиб келаётган мутахассис, фидойи журналист, ўз эркин фикри ва мустақил қарашларига эга ижодкор сифатида биламиз. Айтинг-чи, бизда журналистикани журналист шахслар ислоҳ эга оладими? Ўзи бунинг учун давлатнинг ислохотчилиги зарурми?

— Келинг, гапни индальосидан бошлай қолайлик. Оммавий ахборот воситалари шунчаки бир оддий соҳа эмас, у давлатдаги Конституциявий институтдир, яъни унга Асосий Қонуни-мизда алоҳида боб ажратилган. Миллионлаб пахтакорларга, юз минглаб тужжорларга, миллионлаб ишчиларга, мардикорларга, банкирларга, сартарошларга ва бошқаларга ажратилмаган.

Мамлакатда бир ярим мингта яқин оммавий ахборот воситаси бор, холос ва уларда, нари борса, ўн минг киши ишлайди. Шу ўн минг киши Ўзбекистоннинг халқро мажбурияти ва Конституцияси катор моддаларида бўлган ахборот излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқини амалга оширадиган мўътабар қасб эгаларидир. Дейлик, инсон сиёсий ҳуқуқлардан бўлган сайлов ҳуқуқига 18 ёшдан эга бўлади. Эътиқод эркинлигига, ахборот ҳуқуқига энди туғилган гўдақлигидан то сўнгги лаҳза-сача хамиша эгадир. Бу ҳуқуқларнинг рўёби оммавий ахборот воситалари ва журналистларга дахлдордир.

Журналистиканинг ахволи, фаолият шартлари ва ислох этилиши масалаларига келсак, давлат томонидан, албатта, аввало сиёсий ирода зарур, яъни давлат ҳокимияти бир фикрда қатъий бўла олиши керакки, журналистлар «камчилик топиб, юртни шарманда қиладиган»лар эмас, улар камчиликларни топиб, ошкор қилар экан, юртни камчиликларсиз, мукаммал бўлишига хизмат қиладилар, инсонларнинг конституциявий ҳуқуқини юзага чиқариш, камчиликларни тугатишига, коррупция каби иллатларнинг жилво-ланишига, ижтимоий адолатга хизмат қилиш билан ижтимоий бўҳронларнинг ҳам олдини оладилар. Шоиримиз айтгани каби: «Ёлгоннинг тахдаги минг йил даврони Ҳақиқат айтилган бир дамча бўлмас».

Отам айтиб берган қадимий дoston ва ривоятларда ҳар гал подшоҳ атрофдагилардан бир нарсаси сўраса, аҳли аёнлар, итоатдагилар: «Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бир гап айтаман...», – дердилар. Бугун ўйлаб қарасам, бу ҳақиқатни айтишим мумкин, фақат қонимни тўқмасангиз, ростини гапирганим ўз бошимга бало бўлмасайди, дегани экан. Мамлакатда сўз эркинлиги ҳақида минглаб гаплар айтилиши, том-том қонунлар қабул қилиниши мумкин, лекин ростини ёзган бир одам ноҳақ жабранса, одамларнинг кўз ўнгида ҳам, журналистларнинг кўз ўнгида ҳам шу тақдир туради ва улар жимликка чўкадилар.

— Журналистика соҳасидаги муаммоларнинг бир учи кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ. Сизнингча, журналист кадрларини тайёрлашда қандай йўл тутилса, ўзбек журналистикаси жаҳон журналистикаси билан бўйлаша оладиган даражага етади?

— Журналист ва умуман ижодкор учун урта нарсаси керак – жасорат, маҳорат ва маърифат. Журналист тайёрлайдиган олий даргоҳлар ёки мактаблар ана шу уч фазилатни синдириши керак. Нега мен жасоратни биринчи ўринга қўяман, чунки ҳамма нарсани билладиган, етарлича маърифатли ва яхши айтиб, яхши ёза оладиган одамлар ҳам жасорати, жўмардлиги бўлмагани учун жим ўтиравелади. Қолаверса, жасорати бор инсоннинг жувонмардлиги унинг ёзишига ҳам таъсир ўтказиши, шунинг учун журналист аввало жасур бўлиши керак. Жасур бўлса-ю, маҳорати бўлмаса, фикрини еткази олмайдди, кизикарли ёза олмайдди, ичидагини одамларнинг қалбига бевосита етадиган қилиб ёзолмайдди, шунчаки ё мингирлайди, ё шовкин солади, холос. Маърифат журналистга кенг мушоҳада юритиш, илмни эгаллаш, рост ва ёлгонни ажратиш, ички бир маданиятга эга бўлиш учун керак. Тўпориқни ўқувчилар ҳам қила олмайдди.

— Ушбу амалиёт билан боғланган бўлиши лозим. Таълим ҳаётдан узилмаслиги керак, назарий билимлар, юксак ҳаёлларга тўла толиби илм ўқув хонасидан ташқаридаги гўзал ва айна пайтда, дахшати, адолат хамиша ҳам қарор топмайдиган, яшаш учун кураш бораётган ҳаётни ҳар зум кўз ўнгида тутиши, ҳалокунинг итидаи сарсон юрган қамини

билиши, унинг дардини хис этиши шарт.

Қолаверса, бугун журналистика мактабларида оқсаётган нарсаси ҳуқуқий билимга эътибор йўқлигидир. Бу қасбнинг остида, замирида, аввал таъкидлаганимиздек, мухташам халқро ҳуқуқ меъёрлари, Конституция ва ўнлаб қонунлар ҳамда юзлаб қонуности меъёрий ҳужжатлар ётади. Бу меъёрлардаги нозик жиҳатларни йиллаб ўрганиш мумкин. Ахборот ҳуқуқи ва қасб этикаси борасида факультетларро кафедралар зарурдир.

Бир кўни халқро бир анжуманда ўзбек журналистлари: «Бизга грант беринглари, биз коррупцияга, мафияга қарши курашамиз», – деганида, италиялик журналист дўстимиз: «Сал пастга тушинглари, мафияни фойда эшига оғизларингизни гапга жуфтлаганларингиз заҳоти ўзларингиз бўғизланган ҳолда бирор хандақдан топасиз, коррупцияга қарши гап бошлашингиз билан, омадингиз бўлса, бирор сохта айб билан ўзингизни қамқонанда кўрасиз... Яхшиси, коммунал хўжалик камчиликлари, иссиқ-сувук сув ва газ муаммосидан бошлаб кўринглари», – деди.

Узок йиллар сўз эркинлиги йўқ эди, лекин мажбурий обуна бор эди. Газеталарда танқид йўқ эди, мабодо танқид бўлиб қолса, тепадан аллақачон дўпослашга розилик берилган соҳа ёки амалдор танқид қилинарди. Цензуранинг хотиржамлиги шу эдики, тепадан кўриб берилган ва ўтказилган газета, эшиттириш ёки кўрсатувнинг бутун масъулияти ҳам кўриб берилганларда эди.

Бугун, ниҳоят, янги ислохотлар умидида сўз эркинлиги сари қадамлар қўйила бошлади. Энди газеталар тиражини ошириш учун ўқувчини кўнглига қириши, рост сўзни ёзиши керак бўлмоқда ва энди бунинг масъулияти ҳам пайдо бўлди. Аста-секин журналистларини ва оммавий ахборот воситаларини судга бериш, муҳокама қилиш бошлади. Шунинг учун журналистларнинг институтдаёқ ҳуқуқий онги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

— Ҳозирда матбуотда кўтариб чиқилаётган бирон танқидий масалага масъуллар жавоб ё муносабат бидирмайди. Ўзи шунча катта ислохотлар қилинаётган бир пайтда шу арзиманган нарсаларни ёзиш шартми, қабилида қарайди. Айрим раҳбарлар ўз фао-



лияти матбуотда танқид қилинса ҳам қилт этмайдиган даражада бети қаттиқлашиб кетганми ёки бугун матбуотимиз сўзининг таъсири пасайиб кетганими?

— Биз шўро давридаги матбуотнинг таъсирини кўрсатмаслигимиз керак. Ўша пайтда бирор танқидий мақола чиқса, кимдир ишдан кетган, деймиз. Бунга фақуллода воқеа тарзида қараймиз. Бугун нега танқид қилинган амалдор жойида қилт этмай турибди, деймиз. Аслида бугун ҳам матбуотда кўтаришган масалалар ечилаётган, амалдорлар жазоланаётган ҳодисалар бор. Бунга кўпроқ электрон ахборот воситалари эришмоқда. Масалан, фермерларни сувга туширган Бош вазир ўринбосари ишдан олинди. Самарқандда мактаб ўқитувчиларини йўл тозалашга олиб чиққан туман халқ таълими бўлими бошлиғи ишдан кетди. Бу каби мисоллар кўнра юз бермоқда.

Афсуски, давлат муассислигидаги нашрлар ҳали кибру ҳаво билан: «Биз жиддий ҳуқуқат газетасимиз ёки давлат телекомпаниясимиз, биз олди-қочди гапларни чиқармаймиз, деб, ҳали ҳам мактовни авжга чиқармоқдалар. Чунки уларнинг обунасини таъминлаб берган идоралар мактаб беришларини истайди.

Ҳозир бир матни келтираман: «Хорижий, муҳолиф ва танқидий қайфиятдаги бошқа ОАВларга бўлган муносабатимизни кўриб қиқши ва ўзгартириш вақти келди. Уларнинг танқидий мақолаларини бизнинг камчилик ва муаммоларимизни кўрсатувчи кўзу деб қабул қилишимиз керак. Улар бизнинг мамлакатимизга таҳдид солишмайди, аксинча, муаммоларни топиш ва бартараф қилишга ёрдам беришади. Мен, масалан, мамлакатдаги ҳақиқий аҳвол ҳақида сизларнинг ҳашамдор қисоботларингиздан кўра, «Озодлик» радиоси, «Би-Би-Си» ва баъзи

муҳолифат сайтларидан, шунингдек ижтимоий тармоқлардан биламан. Шунинг учун ҳар доим қайтараман, сизлар мени андай алмайсизлар...»

Буни ким айтган деб ўйлайсиз? Бу – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сўзларидир.

Энди сезгандирсиз, кўпсонли газета ва журналларимизни эмас, ижтимоий тармоқлар ва хорижий муҳолиф сайтларни юрт раҳбари ўқини айтгани учун амалдорлар айнан шу ахборот воситаларидаги чиқиларга жавоб бермоқдалар.

Биз ҳам ўз нашрларимизни тишли-тироқли қилсак, ижтимоий фикрга таъсир ўтказадиган даражада ростлигимиз билан мартаба қозонасак, албатта, мақолаларимизга амалдорлар эътибор қилишга мажбур бўлади. Маҳмудхўжа Бехбудий айтганлари каби: «Ҳақ берилмас, олинур!» Мансабдорлар ижтимоий фикрдан ва шу фикрни шакллантиришга қодир журналистдангина кўрқадилар.

— «Пулини тўлаган муסיқани бюртомга қиладди» дейишади. Бугун журналистикани, матбуотимизда кузатилаётган мана шундай ҳолатга барҳам бериш, чинакам ошқора ва демократик матбуотга эришиш йўли нимада деб ўйлайсиз?

— Сиз орзу қиладиган демократик матбуот жамиятдаги камчиликларни аёвсиз танқид қиладди, лекин бу шунчаки фидойиллик эмас. У халқ гамини ҳам беқорга емайди, албатта. Зеро, у ҳақиқатни ёзмаса, машҳур газета чиқаролмайди, ўқувчисини кўпайтиролмайди. Ўқувчиси кўпаймаса, кўп тиражда чоп этилмаса, ҳеч ким реклама бермайди.

КЕЧИНГ, РОСТИНИ АЙТАМАН...



Реклама беришмас, молиявий ахvoli оғирлашади, инкирозна учрайди, тўхтаб қолади.

Биз иждодий жамоанинг муассиса қарамлигидан таҳликада-миз. Демократик жамият бўлса, бунақа таҳлика бўлмайди. Шубҳалар замирида биз барпо этишга интилаётган, лекин ҳали қуролмаган демократик жамиятнинг ва бозор иқтисодиётининг реалликларини билмаслик ётади. Модомики, газета кўпсонли халқ манфаатларини ифода қилароқ машур бўлган ва фойда топаётган экан, уни сотиб олган сармоядор газетанинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий йўналишини ўзгартиришдан манфаатдор эмас, мабодо шундай қилса, у ҳаққоний сармоядор эмас. Агар газетанинг йўналиши ўзгарса, халқ уни ўқимай қўяди, газетанинг ўқувчиси камайдди ва натижада, у фойда келтирмай қолади.

Мисол учун айтиб ўтайлик, маълумки, яқин-яқингача Италиянинг Бош вазирини лавозимда ишлаган Силвио Берлусконни аслида қатор телеканалларнинг, газета ва журналларнинг, бошқа

оммавий ахборот воситаларининг мулкдори, эгаси ҳамдир. У Бош вазир лавозимини эгалла-гач, ўз телеканалларининг, га-зета ва журналларининг оғзини беркитмади, унинг сиёсатини макташларини талаб қилмади, чунки агар ушбу оммавий ахборот воситалари йиллар бўйи шаклланган йўналишларини ўзгартирганларида, лаганбардорлик, маддоҳлик йўлига ўтганларида бир неча қундаёқ ўз мухлисларидан ажралган бўлар-дилар (*бошиқа мамлакатларда биздагидек ярим йил-бир йилга ташини обуна бўлиш, яъни ҳали қандай чиқинши номаълум нарса-га тул тўлаб қўйиш йўқ ҳисоби, газетхонлар газетани ҳар кунни сотиб оладилар ёки агар ёқмаса, олмайдилар — уларнинг меҳри ёки нафрати натижаси тезда қўринади*), оқибатда Берлусконни хонавайнор бўлиб қоларди.

Шунинг учун Берлусконни-нинг Бош вазирлик пайтида ҳам барча оммавий ахборот восита-лари, шу жумладан, унинг газе-та ва журналлари ҳам ҳукумат сиёсатининг хато ва камчилик-

ларини ёритиб турдилар, зеро демократик давлатларда матбуотнинг ана шу «кўз-қулоқ» лиги ҳукуматни айнишдан, турғун-ликдан, таназзулдан сақлайди, бу билан халққа ҳам, ҳукуматга ҳам, давлатга ҳам фойда келти-ради. Шунинг учун демократик давлатларнинг раҳбарлари ҳам, фуқаролари ҳам эркин матбуотни қўллаб-қувватлайдилар, ке-рак бўлса, химоя ҳам қилдилар.

Матбуотни демократлашти-риш учун бизда нималар қилмоқ керак? Менинг фикримча, бу масала қатор шарт-шароитларга боғлиқдир. **Биринчидан**, сўз эркинлигини химоя қилувчи жаҳоний мезонларга мос қонун-ларнинг мавжудлиги, яъни ҳуқу-кий асос мустаҳкамлиги шарт. **Иккинчидан**, ушбу қонунлар-нинг қозғалғина эмас, ҳаётда ҳам амал қилинишини таъмин-лаш зарур. **Учинчидан**, эркин фикрни чоп этишга чоғланган оммавий ахборот воситалари молиявий қувватга — иқтисодий асосга эга бўлиши ва бунинг учун хурфиқри, бозор шароитларига, сезир, қобилиятли ходимларга ва омма истаётган ҳаққоний муло-ҳазаларини чоп этиш натижасида уни пул билан таъминлайдиган обуначилари сонини ошириш имконига эга бўлиши лозим.

Менинг назаримда, матбуот-ни демократлаштириш жамият-ни демократлаштириш билан чамбарчас боғлиқ жарабдир, яъни **тоталитар жамиятда демократик матбуот бўлмайди**, худди шунингдек, демократик жамиятда матбуот ибтидоий қолишининг иложи йўқ. Жамият демократлашмасдан туриб, унинг ичидаги матбуот демократлашса олмайдди, матбуотики демократик бўлмас экан, жамиятнинг демократик, деб аташ ҳам ноўриндир.

— **Нима деб ўйлайсиз, ўзбек журналистикаси чинакам журналистикага айланиши учун бизда нима етишмаяпти?**

— Чинакам журналистлар Мағрибда, Машриқда ҳам бор. Бу журналистлар — дунё ва ўз мамлакатлари учун энг муҳим ҳақиқатларни айтган ҳамда шу-нинг учун ўлимига ва азобига тик борганлар. Уларнинг қанчаси фожиали, яна қанчаси «тасо-дий фалокатлар» оқибатида қурбон бўлмоқда.

Биласизки, глобаллашув асри дунё халқларини бир-бирига яқинлаштиргани баробарида жиноятчи ва коррупционерларнинг ҳам глобаллаштириди. Дейлик, бир давлатдаги, маса-лан, Ўзбекистондаги порахўр, коррупционер топган харом пулларига Швейцария ва Англиядан уй сотиб олади. Малтада ва Дубайда офшор зоналарида пул жойлаштирилади. Ватанида вазирнинг ойлиги 300 доллар бўлган ҳолда, 300 миллион долларлик заводни сотиб олса ёки курса ёхуд 600 миллион долларга «соти»лар барпо этса, халқ бойлигининг манбасини сўраши мумкин. Шунинг учун у Англияда фирма очади, пулни аввал у ерга ҳайдайди ва кейин «тендер»да ютган «хорижлик

сармоядор» сифатида ўз юрти-даги завод-фабрикаларни сотиб ола бошлайди. Топган фойда-сини олис ороллардаги офшор зоналарга беркитади. Буни фош қилмоқчи бўлган ўзбек жур-налисти мамлакатма-мамлакат юриб, бу жиноятларни очишга вақти, имкони ва маблағи бўл-майди. Шунинг учун жур-налистларнинг коррупцияга қар-ши давлатлараро уюшмалари, текширувчи гуруҳлари ташкил топди. Мана, «Панама ёзишма-лари» деган ҳодисадан хабарин-гиз бор — дунёда амалда турган қўллаб амалдорлар, президентлар, вазирлар, бойларнинг маблағлари яширинган манзилларни ошкор қилди. Бу фош этилган исму ша-рифлар ичида Ўзбекистондан бўл-ганлари ҳам бор. Бу фош этувчи гуруҳда турли мамлакатларнинг журналистлари бирлашган ва улар бир иш бўйича барча мам-лакатларда бир вақтинг ўзида фаолият юритади. Ана шундай жасур ва ўқтам журналистика билан ўзбек журналистикасини солиштириганда... нима дейиш мумкин!?

Шарқ матбуоти («шарқона» ва «ғарбона» ажратиларимиз шартли, албатта) кўпинча эзгу ишларни ахтиради, ижобий томонларни топиб, мактаб ту-ради, яъни: «Яхшилик кўпроқ бўлсин!» ғарб матбуоти асосан негатив излайди, иллатларни топиб, фош қилади, яъни: «Ёмон-лик камроқ бўлсин!» Иккиси ҳам тамойил сифатида тўғридир. Сир-синоат шундаки, ғарб матбуоти самаралироқ, чунки эзгулик мак-товга муҳтож эмас, ёвузлик эса доимий назорат остида бўлиши керак. Шунинг учун биз мактаб, қўлирттирган билан эзгулик қў-паймайди, улар танқид қилгани сари ёмонлик, ёвузлик камайдди, билъакс, ғарбона демократик журналистлар фаолияти шунинг учун самаралироқдир.

Иссиқ-совуқ сув ёки қай-нона-келин муаммосини ёзиш даражасида турган, ҳали катта муаммоларни кўндаланг қўйиш-га юраги дов бермаётган жур-налистикамизни кўтаришнинг қатор йўллари бор — булар ОАВ ҳуқуқий асосларини чинакам такомиллаштириш, қонунларни амал қилишига эришиш, мус-тақил ва ҳалол суд тизимини барпо этиш, ОАВ бизнесидаги чекловларни либераллашти-риш, халқро ташкилотларни Ўзбекистонга қайтариш, сўз эркинлиги билан бирга сўз айт-ганларнинг эркинлигини химоя қилиш лозимдир. Энг муҳими сиёсий ирода керак.

Бугунги биз билган «Озод-лик», «Америка овози» ё ВВС ўзбек хизматининг журналист-лари ўзимизнинг Тошкент дав-лат университетини талбаларидир. Зарур муҳитда улар дунёвий стандартларга мос журналисти-када пешқадам ишламоқдалар.

Шундай бир ҳикмат бор: «Машинани ичига ўтириб, бош-қарши учун тажрибали ҳайдов-чи керак, лекин машинанинг ичига ўтириб, бошқармасдан ту-риб, тажриба орттириш мумкин эмас». Худди шундай тажрибали

журналистлар етишиши учун, оммавий ахборот воситалари кучли бўлиши, дунё станларта-рига чиқиши учун сўз эркинли-гига чидайдиган тузум, ахборот низоларини одил ҳал қиладиган мустақил суд тизими, халқро ҳуқуққа мос миллий қонунчи-лик ва ҳалол амалиёт лозим.

— **Бир вақтлар ҳеч қаердан ҳеч бир ташкилот маълумот бермаса ҳам сиз «Ой бориб, омон қайтган болам» мақо-лангиз билан ўтган муаммони яққол очиб бергансиз. Бугун баъзан мақолаларда статиска-дан нарига ўтилмайди. Нима учун шундай дарди чиқис-ларга кам ёки бундай чиқис-ларга ҳозир талаб йўқми?**

— Албатта, бизни у замонар оёққа қалқитган нарса ижтимоий дард эди, миллий дард эди. Эзил-ган халқнинг дарди эди. Қалбдан чиққан сўз қалбларга боради. Тилинг учидан чиққан ҳиссиз сўз қулқудан нарига ўтмайди.

Бугун технократлар замони ва юксак технологиялар асри. Қалбга, дардга ўрин йўқдай. Алберт Эйнштейн келажакни кўргандай башорат қилганди: «Ҳали юксак технологиялар даври келади ва тентақлар ав-лоди пайдо бўлади». Олим айт-моқچики, технологиялар ҳамма ишни қилавергач, мия ишламай қолади, чунки бармоққа санаб ҳисоблашни ўрганган бола ма-тематикани билади, лекин ҳамма ҳисобни калькуляторда қилади-ган болага қийналиб ҳисоблаш керак бўлмай қолади, тафаккур сўнади, унинг мияси танбалла-шади. Бу фожадир.

Журналистикага келса, бугун ҳам «дарди журналистика» бор, лекин бу юрт дарди, дин дарди, халқ дарди эмас. Бу машиний дард-лар журналистикасидир. Лотин Америкаси ё ҳинд сериалларига монанд журналистикадир.

Мен нимани назарда тут-ганман?! Болалигимда кўчада ўйнаб юрганимизда бир тилчамчи келиб қолди ва биздан кўчамиз-даги одамлар тўғрисида секин суриштирди. Кимнинг боласи армиядалиги-ю қайси хонадонда бемор киши борлиги, кимнинг ҳомиладорлигини сўраб олди. Кейин боласи харбийда бўлган кишининг дарвозаси олдида: «Армиядагилар осон-омон қайт-син», нарироқдаги касали бор ҳовли эшигида: «Аллоҳ, бемор-ларга шифо берсин», учинчи фарзандиси келини бор ҳовли олдида: «Орзуманларга худо қўчқордай ўғил берсин», — деб хиргойи қилди. Оғрик еридан «сүтиб олинган» кишилар унга пул-мул чиқариб тутишди. Жур-налистикамизда ҳам онаси таш-лаб кетган бир болани, қайнона-си ҳайдаган келинини, болалари қарамай қўйган қарияни олиб чиқиб қўйиб йиғлатишдан, шу-нинг натижасида одамларнинг дийдаси юмшашидан, обрў ор-тиришдан умидвор журналисти-ка пайдо бўлган. Мен дадил, ўк-там, юрт ва миллат эгаси бўлган журналистика тарафдориман.

Ғулом БОБОЖОНОВ
суҳбатлашди.

МАЪЛУМОТ



Карим БАХРИЕВ Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети рус филологияси факультетида ва Михаил Ломоносов номидаги Москва давлат университети журналистика факультетида тахсил олган. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат» ва бошқа газета ва журналларда фаолият юритган. «Хуррият» газетасининг биринчи бош муҳаррири. Ўзбекистон халқ депутати сифатида мамлакат парламентида фаолият юритган. Карим Бахриев «Сабр қосасининг синиқлари», «Томчиқил» шеърый китобларининг, «Демократия ва инсон ҳуқуқлари», «Журналистнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари» номли ўзбек тилидаги илмий-оммабоп китоблар, «ОАВ ва сайловлар» ҳамда «СМИ и выборы» номли ўзбек ва рус тилидаги қўлланма, «Сўз эркинлиги ҳақида сўз» номли ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сиёсий-ижтимоий китоб, қатор танқидий-таҳлилий мақолалар муаллифи ҳисобланади.

1 ИЮЛДАН ЎЗГАРАДИ? НИМАЛАР

Видеорегистратор «сўзлай бошлайди»

Видеорегистраторлар далил йиғувчига айланади. Автотранспортдаги видеорегистраторларда кайд этилган ҳуқуқбузарлик эндиликда далил сифатида қабул қилинади ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

1 июлдан ҳар қандай жамоат транспорти ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун автотранспорт воситаларига видеорегистраторлар ўрнатиш мажбурийдир.

Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни юборган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг беш фоизи (ҳозирги кунда 10 136 сўм) микдордаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

ЙПХ ходимларида видеокамера

ЙПХ ходимида видеокамера бўлиши шарт. ЙПХ ходими хизмат вақтида мобил видеокамерадан фойдаланиши ва бу ҳақида йўл ҳаракати қатнашчиларига маълум қилиши шарт. Шунингдек, ноконуний хатти-ҳаракатлар содир этилса, буни исботлаш учун ушбу видео ёзувдан фойдаланилиши ҳақида ҳайдовчини огоҳлантириши лозим.

Мобил видеокамераси бўлмаган ЙПХ ходимига ҳайдовчи хужжатларни тақдим этмаслик ҳуқуқига эга.

Р.С. «Буни қарангки, regulation.gov.uz порталдаги бир лойиҳа назаримиздан четда қолган экан; – деб ёзмоқда блогер Хушнудбек Худойбердиев. – 14 июль кuni Ички ишлар вазирлиги томонидан порталга Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси жойлаштирилибди. Лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сон қарорига бир қатор ўзгартиришлар киритишни назарда тутмоқда. Унга кўра, мобил видеокамерага оид талаблар 2019 йил 1 июлдан эмас, балки 2020 йил 1 январдан кучга киришини белгилашмоқчи...»

Ижарада ошкоралик

Давлат мулкни ижарага бериш шаффоф бўлади. Давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш бўйича савдолар «E-IJO AUKSION» электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилади.



Ерларни хусусийлаштириш мумкин

Айрим ерларни хусусийлаштириш имкони берилади. Юридик шахслар бино ва иншоотлари, sanoat инфратузилмаси объектлари жойлашган ерларини, жисмоний шахслар якка тартибда уй-жой куриш ва турар жойга хизмат кўрсатиш учун ажратилган ерларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

Такси хизматидаги янгиликлар

» Мобил иловалардан таксометр сифатида фойдаланиш мумкин. Йўналишсиз таксилар учун талаб этиладиган тўлов терминаллари, ҳисоблагич-таксометрлар ва радиоалока воситалари функцияларини махсус иловалар орқали (мобил телефонлар, планшетлар, электрон тўлов тизимлари) амалга ошириш мумкин.

» Кира қилиш учун машинани бўяш шарт эмас. Йўналишсиз такси рангини қонун ҳужжатларида талаб қилинган рангга мувофиқ холга келтириш учун (вилоятларда сариқ ва Тошкент шаҳрида фил сўяги ранги) ўзи елимланадиган материаллардан фойдаланишга йўл қўйилади, уларни бўяш шарт эмас.

» Йўналишсиз таксилар автобуслар учун ажратилган махсус ҳаракат йўналишида ҳаракатланиши ҳамда «Тўхташ тақиқланади» белгиси амал қилиш ҳудудида тўхташ мумкин.

» Халқаро автомобилда ташишга хоржий/кўп томонлама руҳсатномаларни олиш учун аризалар бир иш куни мобайнида кўриб чиқилади.



ОТМ ўқитувчилари маоши ошади

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари оширилган микдорларда тўланади.

Шунингдек, қўйидаги ўзгаришлар жорий этилади:

» халқаро ташишларда фойдаланиладиган таягач (шатакчи) автомобилларга лицензия карточкалари берилиши учун давлат божи тўланмайди;

» «Евро-5» ва «Евро-6» экологик синф талабларига мос келадиган янги юк ва махсус автотранспорт воситаларини, шунингдек, автомобилда юк ташиш учун фойдаланиладиган тиркама ва ярим тиркамаларни, транспорт-экспедиторлик хизматларини мажбурий сертификатлаш бекор қилинади;

» йўловчилар ташишда фойдаланиладиган автотранспорт воситаларида назорат-касса аппарати мавжуд бўлиши талаб қилинмайди;

» автомобилда юк ташиш билан

Бепул ва пуллиси аниқ

Бепул тиббий хизмат чегараси аниқ бўлади. Вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги стационар соғлиқни сақлаш муассасаларида аралаш молиялаштириш тизими жорий этилади, бунда кафолатланган бепул тиббий хизмат ҳажмига қирмайдиган даволаш турлари пулли асосда амалга оширилади.



Заргар ясаган буюм асл (ми?)


Заргарлик учун имкониятлар янада кенгайтирилади. Заргарлик бўйича лицензияси бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўзи ишлаб чиқарган заргарлик буюмларининг аслик даражасини мустақил белгилаш ва уларга аслик даражаси изларини қўйиш ҳуқуқи берилади.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи лицензияга эга якка тартибдаги тадбиркорлар ўз махсулотларини мустақил сотиши, аҳолидан қимматбаҳо металллар парчалари, қимматбаҳо тошлар ва буюмларни сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Жисмоний шахслар қиймати 5 минг доллардан кўп бўлган заргарлик буюмларини декларация тўлдирган ҳолда Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиши мумкин.

Заргарлик соҳасидаги тадбиркорлар «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасига ихтиёрний аъзо бўлса, уюшма аъзоларининг имтиёз ва преференциялари уларга ҳам татбиқ этилади.

Олтиндан ясалган заргарлик буюмларни чакана савдода сотганлик учун 1 граммга минг сўм микдорда йиғим жорий этилади.



Трафик сарфланмайдиган сайтлар

gov.uz давлат субдоменига кирганда трафик ечилмаслиги мумкин. Телекоммуникация операторлари ва провайдерларига давлат субдоменида (gov.uz, my.gov.uz, regulation.gov.uz, data.gov.uz, invest.gov.uz ва бошқалар) жойлаштирилган ахборот ресурсларига киришда ишлатиладиган трафик учун ҳақ олмаслик тавсия этилади.

Адлия вазирлигининг «Ҳуқуқий ахборот» телеграм канали материаллари асосида тайёрланди.

Амаллар ниятга боғлиқ.
(Ҳадиси шарифдан)

ТАҚДИР

Янгиобод — шаҳардаги энг катта маҳаллалардан бири. Нуриддин хожи яқинда шу маҳалла масжидига имом бўлди. Масжиднинг қавми анчагина катта экан. Айниқса, ёшларнинг кўпчилиги кишини қувонтиради. Имом ўз одади бўйича эрта-лаб бомдоддан сўнг маҳалла кўчаларини яёв айланиб чиқар, эрта турган маҳалла аҳли билан салом-алиқ қилар ва айримлари билан суҳбатлашарди. Кун ёйилиб ҳамма кундалик юмушларига отлана бошлагач, Нуриддин хожи ҳам ишхонасига кириб, мутолаа ва ижод билан банд бўлар, у ёки бу масала юзасидан келган кишиларни қабул қилади.

Кунларнинг бирида чошгоҳ маҳали унинг қабулига ўттиз беш-қирқ ёшлар чамаси бир йигит кириб келди. Умиджон ташқи кўриниши ва кийинишидан ўзига тўқ, бироз димоғдор ҳам кўринар эди.

— Ассалому алайкум, домла, — деди Умиджон эшикдан кириши билан.

— Ва алайкум ассалом, келинг ука, марҳамат, — деди Нуриддин хожи ўрнидан туриб унга пешвоз чиқар экан ва «ўтиринг марҳамат» дея бўш курсини кўрсатди.

Умиджон ўтириб олгач, имом домла унинг рўпарасидан жой олди ва дуога кўл очиб, Яратгандан яхшилик тилади. Хол-аҳвол сўралгач «келинг, хизмат» деди Нуриддин хожи Умиджонга табассум билан боқиб.

— Домла ака, шу десангиз, дадамизнинг мазалари йўқ. Бир бориб ўқиб кўйсангиз. Шу ўзлари ҳам анча кийилиб қолдилар, бизлар ҳам уриниб қолдик, — деди охириги жумлаларининг ярмини ичига ютиб. Ва «уф» дея ўриндик суяنجиғига оғирлигини ташлади.

— Ундай деманг ука, оғринманг, «уф» тортманг! Зеро ота-она ғанимат, уларни парвариш қилишимиз ва имом қадар дуоларини олишимиз зарур.

— ...
— Онангиз ҳам хаётмилар, отангизнинг ёшлари нечада? — савол ташлади домла Умиджонга сичқовлик билан қараб.

— Ҳа, онам ҳам бор, лекин аёл кишининг кўлидан нима ҳам келарди? Дадамнинг ёшлари саксонга бориб қолди, қаратмаган дўхтиримиз қолмади. Натижа йўқ. Келиннинг ёшлари зўр фолбин шитса, опам билан чопади. Миллионлаб пул сарфлаш, аммо аҳвол ўша-ўша. Опам сизни «дами зўр мулла экан» деди. Нажот истаб чикдим, мулла бобо, — деди Умиджон беўхшов тиржайиб.

— Манзилингизни қолдирсангиз, ярим соатлар ичида чикаман, — деди имом бу нусха билан ортикча гаплашишни истамай.

Айтган манзилга етиб борган Нуриддин хожи ҳашаматли дарвозани тақиллатар экан, олдин бу кўчадан нима учун ўтмаганлиги ҳақида ўйларди. Ичкаридан одам оёғининг товуши эшитилди ва аёл кишининг «ҳозир» деган овози келди.

— Ассомайкум, мулла бобо! Келинг, ҳозир Умид акамни чакираман, — дедида жувон бурилиб орқасига қайтиб кетди.

Юзига алланималар чаплаб олган, спорт кийимидаги ярим яланғоч бу танноз хойнаҳой унинг хотини бўлса керак, деб ўйларди Нуриддин хожи. Аёлнинг кийиниши, ўзини туттишидан бу уйда бемор киши борлиги ва айниқса, бу касал ота эканлиги айтилган ва аёлнинг касалга қанчалик хизмат қилаётганлиги борасида кўп нарсани англади ҳамда чуқур мулоҳаза қилди.

— Келинг, домла ака, — деди Умиджон дарвозанинг кичик эшигини очар экан.

Ичкарига кирган Нуриддин хожи бу ховли қанчалик ҳашаматли бўлмасин, қандайдир совуқ ва файзсиз эканлигини англади.

— Домла марҳамат, бир пиёла чой, — деди Умиджон имомни чорпоёга таклиф этиб.

— Йўқ, иложи бўлса бемор ётган хонага бошласангиз, кейин чой бир гап бўлар, — деди Нуриддин унинг манзиратини катый рад этиб.

— Хўп-хўп, қани унда марҳамат, — деб ховли этаги томон бошлади.


Саккиз-ўн сотих келадиган ховлининг этак томонида солинган, лойсувокли пасткамгина икки хонадан иборат хужрага кириши билан Нуриддиннинг кўнглини бу хонадан келаятган ёқимсиз зах хиди беҳзур қилди.

— Ассалому алайкум, — деб ичкари киришди. Во ажаб, тўшакда ётган отахон ва ёнида ўтирган муштипар онанинг юзларидан нур ёғиларди. Отахон ётган эски диван униқиб қолган, тўшаклар ва гиламлар ҳам анча эскилиги шундай кўриниб турарди. Беморнинг устидаги кийим-бошлари, кўрпа-тўшаклари ҳам бир аҳволда. Умиджон, унинг аёли ва уларнинг ховли жойларига мутлоқ мос эмасди.

— Келинг болам, келинг, — деб ўрнидан кўзалган онахон таҳмондан кўрпача олиб тўшади.

Бемор кўзини зўрға очиб, Нуриддинга боқди ва қаддини ростлашга ҳаракат қилди.

— Ота безовта бўлманг, бемалол ётинг, мен шу ерда ўтираман, — дедида, онахон тўшадан кўрпачага ўтирганича дуога кўл очиб Яратгандан шифо тилади.



— Яна полбинми? — деди ота зўрға инграганича норози охангда.

— Ҳа, йўқ. Бу киши ўзимизнинг мулла бобо, дами ўткир экан. Умиджон чакирган-да, — деди онахон беморнинг юзига яқин келиб хижолатомуз.

Бу ховлатни тик турганча кузатиб, айтилган вақтда афтини бужмайтириб турган Умиджонга «ўтиринг» ипорасини қилган имом домла гап бошлади:

— Отахон, мен яқинда маҳаллаимиз жомеъсига имом бўлиб келдим. Авваламбор шифо Аллоҳдан. Биз эса баҳоли қудрат Яратганининг каломидан тиловат қилиб, унинг хурматидан шифо ва офият сўраймиз. Ўрни келганда айтиб ўтишим жоизки, фолбин ва кўшночларга бориш, уларнинг айтганларига ишониб ва буюрганларини қилиш ўта оғир гуноҳдир, — деди имом домла босиклик билан.

Шундан сўнг домла Куръони қарим оятларидан узок тиловат қилди ва Яратгандан беморга шифо, унинг яқинларига инсофу тавфиқ тилаб дуолар қилди.

— Иложи бўлса, беморни бoshка кенг ва ёруғроқ хонага кўчиригиз. Хонанинг хавосини доимо тоза тутинг. Отангизни ювинтиринг, тоза кийим-бошларини кийгизиб, ўзлари истаган таомларни беринг. Шифокорларни чакириб, уларнинг айтганини қилинг. Яна айтаман ҳеч қандай фолбинга кўшночга борманг ва уларнинг ёлғонларига учиб гуноҳга ботманг. Шифо ёлғиз Аллоҳдан, — деди Нуриддин хожи Умиджонга юзланиб.

Айни дамда Умиджоннинг юзига қандайдир совуққонлик ва бефарқлик акс этган, унинг ботинида нима кечаётганлиги ёлғиз ўзига ва Яратганга аён, зоҳирида имом домланинг гапларидан тўғри хулосалар қилаётганлиги ва мавжуд

хотлатдан ўзини ноқулай сезаётганлигини кўриш амримаҳол эди.

Имом хайр-хушлашиб ҳовлига чиққанида Умиджоннинг кечирим сўрашини, отасига у айтганидек, балки ундан ҳам яхши қарашини айтиб хижолатда эканлигига иқрор бўлишни кутди. Афсус, минг афсуски унинг ўйлагани содир бўлмади.

Ортидан халлослаганича етиб келган Умиджон домланинг сўнги умидини ҳам чилпарчин қилди.

— Домла кечирасиз, сиз масжидда бўласизми? — деди у.

— Ҳа, нимаёйди, — деди домла ундан бирон-бир жўяли гап кутиб.

— Шу... мен... халигим... нима десам экан, халиги қабр қовлашга одам кўйдим. Эҳтиёт шарт, мабодо бирон қор-хол бўлса... шунга... Барибир нима дейди, халиги айтишадику... «пишган ошда, домла, — деди тугиладутилади.

— Яхши ният қилинг, Умиджон. Отангизга қабр қовлатгандан кўра Яратгандан шифо сўранг ва менинг айтганларимни қилинг. Отангиз сизга яхши умидлар билан Умиджон деб яхши исм қўйган эканлар. Вақт ғанимат хизматларини қилиб, дуоларини олиб қолинг, — деди киноя билан.

— Хўп-хўп домлажон, мана буни олиб кўйинг, — деди унинг қўлига бир тахлам пул узатар экан.

— Пулингизни ота-онангизга сарфланг. Шуни билингки, пул ҳамма нарсани ҳам ҳал қилмайди. Пулга топилмайди-ган кўп нарсалар бор, кечикиб

афсусланиб қолманг, саломат бўлинг, — деди-да дарвозадан чиқиб масжид томон юрди.

Нуриддин хожи йўлда борар экан, Умиджон, унинг аёли ва у каби инсонларнинг кам бўлса-да жамиятда мавжудлиги, уларда инсонийлик фазилатларининг пастлиги, меҳр-оқибатларининг йўқлигидан ўқинди. Уларнинг ҳамма нарсани пул билан ўлчаши, ўткинчи дунё ялтур-юлтурларига ортикча ружу кўяётганликлари ва бунинг натижасида ҳар қандай қабих ишларга ҳам тайёр эканликлари ҳақида ўйларди. Айни дамда Умиджон каби меҳрсиз одамларнинг пайдо бўлиши, уларнинг тарбиясида имомларнинг ўрни ҳақида мулоҳаза қилди. Ўзининг ишларидан ҳар доимгидек қоникмас, хали қилиниши лозим бўлган ишлари кўпчилигини англади. У йўл-йўлақай маҳалла оқсоқолига учрашиб, Умиджон ва унинг ота-онаси ҳақида сўраб суриштириб билди-да, масжидга етиб келди.

Эртаси кун маҳалла ходими келиб имом домлага кечаги хонадонда жаноза бўлганлиги ва аср намозидан кейин жаноза масжидда ўқилиши ҳақида айтганида, домла юзига фотиҳа тортиб, отахоннинг охиратини сўради.

Жанозада кўп одам йиғилди. Нуриддин домла ўртага чиқиб, «Соҳиб мийит келсинлар», — дедида атрофга боқиб Умиджонни қидира бошлади. Шу вақт ўртага тўн қийиб беллини боғлаган ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги ўспирин йигитча пиқ-пиқ этиб йиғлаганича чиқиб келди.

— Дадангиз қани болам, — деди домла йигитчани Умиджонни ўғли эканлигини тахмин қилиб.

— Дадам... дадам, — дея хўрсинганича гапиролмасдан тобут томон ишора қилди бола.

Ниманидир англагандай бўлган имом домла воқеага янада ойдинлик киритиб олиш мақсадида олдинги сафда турган маҳалла раисига юзланди.

— Узр домла, мен хабарингиз бор, деб ўйлабман, ходимим сизга батафсил айтмаган кўринади. Ҳа, афсуски тобутдаги Умиджон, Аллоҳнинг иродаси, тақдир экан, — дедида қайтиб сафга турди.

Анча ўйлиб, тараддулланиб қолган бўлса ҳам тажрибали домла кунни кеча Умиджоннинг хонадонига бўлиб ўтган воқеани хаёлидан ўтказиб олди-да, марҳумнинг ўғли билан шарият юзасидан суҳбат ўтказиб, сафга туришга буюрди.

Жаноза намозидан олдин домла ўлим ҳақ эканлиги, ким олдин ўлиши ёки кейинги қолишини фақатгина Аллоҳ билиши, шунингдек, ота-онанинг фарзандларидек хақлари, фарзандларнинг бурч ва масъулияти ҳақида Куръони қарим оятлари ҳамда саҳих ҳадислардан келтириб, маъруза қилди. Сўнг марҳумнинг хақига хайри дуолар қилиниб, жаноза намози адо этилди...

ЎРИНЛИ МАСЛАҲАТ

Бир куни кўчада сайр қилиб юрган киши йўл четида ўтирган кекса одами кўриб қолди. У мўйсафиднинг қаршига келиб, мурожаат қилди:

— Отаҳон, улуғ ёшли инсон экансиз, анчагина узок ҳаёт йўлини босиб ўтгансиз. Шубҳасиз, жуда доно бўлсангиз керак. Айтинг-чи, мана, мен ёш ва кучлиман-у, аммо ҳеч қасрдан иш топа олмаяман, ўғлим гиёҳвандликка берилди, кизимни ҳам яхши тарбиялай олмаяман, аёлим эса кун бўйи уйда ўтирса ҳам, ҳеч қасрга қарамайди. Хўш, мен бу вазиятда қандай йўл тутишим керак? Нима қилсам, буларнинг ҳаммасини ўзгартира оламан?

Қария жавоб берди:

— Эшигинг устига кичкинагина тахтача осиб, унга «Ҳамиша шундай бўлавермайди» деб ёзиб қўй.

— Шу холосми? — ҳайрон бўлди эркак.

— Шу холос, — жавоб қилди кекса киши.

У уйига бориб, қария айтгандек қилди. Бир қанча вақт ўтгач, унинг ўғли гиёҳвандликни ташлади ва ҳатто қилган иши гуноҳ эканини тан олиб, тавба қила бошлади. Қизи бир йигит билан оила курди. Аёли ҳам ўзгарди ва рисоладаги бекага айланди. Эркакнинг ўзи эса сердаромад ишга жойлашди ва кўп ўтмай, ҳатто машина сотиб олди.

Кунларнинг бирида у таниш кўчадан ўтиб бораётиб, икки йилча олдин кекса мўйсафидни учратган жойида тўхтади. Қария ҳали ҳам шу ерда ўтирган. Эркак унинг олдида яқинлашаркан, машинадан тушмаган қолда, унинг ойнасини очиб, сўз қотди:

— Ҳа, бобой, ҳалиям ўтирибсизми? Мен бўлса, кўриб турганингиздек, анча нарсага эришдим. Ўғлим гиёҳвандликни ташлади, энди у тақволи йигит, кизим севиб, севилиб турмушга чиқди. Аёлим ҳам яхши рафиқага айланди. Ўзим ишга жойлашдим ва энди ишхонамда мартабали бошлиқман. Сиз эса ҳалиям ўшандек ўтирибсиз, нўноқ чол! Хўш, энди менга нима деб маслаҳат берасиз?

Бу гаплардан қариянинг чекраси ўзгармади, аксинча, у суҳбатдошига хотиржам тикилганча, деди:

— Ҳалиги тахтача бор эди-ку, шунини олиб ташламагин...

Русчадан
Муҳаббат ШАРИФОВА
таржимаси

ЖАВОҲИР

РАСУЛ ҲАМЗАТОВ

авар шоири



*Ишқий шеърим чиқмас беташвиш,
Яна шайтими журналда қайтди.
Уларни халқ ўқимас эмиш,
Бош муҳаррир шундай деб айтди.*

*Қайтармади у шеърим лекин,
Бир-икки кун унда турармиш.
Олиб кетиб уйига бир кун,
Хотинига ўқиб берармиш.*

Реклама



XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси 27 июнь — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну билан соҳа фидоийларини самимий муборакбод этади.

Юртдошларимизни холис ва ҳаққоний ахборот билан таъминлашдек масъулиятли, заҳматли ишларингизда Сизларни куч-гайрат ҳеч қачон тарк этмасин!

Шунингдек, Халқ банки юртдошларимизга Ўзбекистонда биринчи бўлиб жорий этилган Кредит карта хизматини таклиф этади.

КРЕДИТ КАРТА

*Орзулар рўёба
айланган фурсат!*

Имтиёзли давр 30 кун (ҳар ойда)

Йиллик фоиз ставкаси 36%

Имтиёзли даврда фоиз ставкаси 0%

Кредит линияси 5 йил муддатга очиқ линия

Кредит миқдори 5 000 000 сўмгача



(+998 78) 120-17-70
(+998 78) 120-17-72



web site: www.xb.uz
e-mail: info@xb.uz


Хизматлар лицензияланган.



Онлайн
конверсия



Карталар



Кредитлар



Омонатлар



ФЖБП

www.xb.uz

info@xb.uz

(0371) 200-00-55

OILA
DAVRASIDA
Ilmoly-oyosly, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти маъсулияти чекланган жамияти

Бош муҳаррир
Хусниддин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»;
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компютерерида терилди ва сахифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қаҳрамон Қуронбоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Муҳаммадҷон Қуроно

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темура 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Г. Бобоқонов
Сахифаловчи — Х. Файзуллоев

Буюртма: т-637 ISSN 2181-6190 Обуна индекси — 193

Адаби: 2959 Нуспа. Нарҳи: келингув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишига топириди: 19:00



1234 5